

«УНИВЕРСИАДА — 2002» СПОРТ ҲАММАЛАРИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз ўғил-қизларим! Сизларнинг барчангизни қадимий Бухоро шаҳрида бунёд этилган мана шу замонавий ва муҳташам спорт мажмуида Ўзбекистон талаба ёшларининг «Универсиада — 2002» мусобақаларининг тантанали очилиши муносабати билан чин қалбимдан табриклиш менга алоҳида мамнуният бахш этади.

Мамлакатимизда иккинчи бор ўтказилаётган ушбу универсиада наинки унинг қатнашчилари, балки бутун халқимиз, аввало мана бу, ёшларимиз ҳаётида эркин из қолдирадиган муҳим бир воқеадир.

Бугунги кунда Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, фаровон ҳаётга эришиш, халқро майдонда муносиб ўрин эгаллашдек эзгу мақсадларга етиш йўлида биз таянчимиз ва сунчимиз бўлиши шайларимизга кебиёс орзу-умидлар билан қараймиз.

Биз учун давлат сийсати даражасига кўтарилган устоз вазаф — нафақат маънавий етув, эҳсон ва билимдон, шу билан бирга, спорт ва кураш майдонларида тобланган, қийинчиликларни енгишга қодир, ирода ва эътиқод билан, беллашуларда чиниққан мард фарзандларни тарбиялаш — бу бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини ажралмас ягона мақсад бўлиши дариқор.

Жисмоний тарбия ва спорт юртимизнинг ҳар қайси шаҳар ва қишлоғига, ҳар бир хонадонга кириб боришига эришиш, шу асосда ҳаётимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бизнинг олжанов озу-интилишларимизнинг узвий бир қисмига айланган зарур.

Шу маънода, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларини ўз ичига олган уч босқичдан иборат ахилит тизимининг амалга оширилиши ана шу йўлда қилаётган салмоқли ишларимизнинг ақвол намоеи десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бу тизимнинг юқори босқич бўлган универсиада, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон ёшларининг ўзига хос спорт олимпиадасидир.

Мана шу унутилмас дақиқаларда сиз — бутун борлигидан куч-ғайрат ёғилиб турган соғлом ва нақирон ёшларимизнинг очик чеҳрангизга қўйиб, ушбу муваззам, замонавий стадионда сизларнинг минг-минглаб тенгдошларингизни, сизларга катта ҳавас ва умид билан қараётган барча ўғил-қизларимизни кўргандек бўлман ва бундан кўпчилик қатори меннинг ҳам юрагим қувонч ва гурурга тўлишини изҳор этмоқчимман.

Эртанги умидимиз, ифтихоримиз бўлган сиз каби ёшларни воғга етказган ота-оналарингизга, ҳаётга йўланма бераётган устоз-мурабийларингизга самимий миннатдорлик билдираман.

Ва сизларга қарата ана шуни айтмоқчимманки, бугун ҳаётга қадам кўра экансиз, белни қаттиқ боғла, кураш майдонига чиқатган экансиз, олдингизга қўйган марраларингиз доимо баланд ва юксак бўлсин, иродангиз бақувват, ишончингиз мустаҳкам бўлсин.

Шуни унутмангки, сизларнинг ортингизда ҳар қарич тупроғи мўътабар Ватанингиз, бағрикенг матонат ва қудрат соҳиб бўлиши халқингиз бор.

Азиз фарзандларим!

Бугун бошланаётган ёшлик, гўзаллик ва спорт байрами — универсиада мусобақалари юксак сарфарбарлик, соғлом рақобат, халол курашчанлик руҳида ўтади, деб ишонаман.

Умид қиламанки, бу мусобақалар келажақда ўзбек спортчиларининг жаҳон олимпиадаси шох-супаларига кўтарилиши учун бамисоли зиналарга бўлиб хизмат қилади.

Сиз, универсиада қатнашчиларига баланд рух, азму шижоат, қатъиятлик, шу билан бирга, бағрикенглик ва мардлик, ҳақиқий спортчиларга хос хусусият ва фазилатлар доимо ёр бўлишини истаб қоламан.

Сизларга сийҳат-саломатлик, ҳаётдан қутаётган барча эзгу орзу-ниятларингиз рўёбга чиқишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Мусобақалар бошланди

КЕЧА
Бухоро шаҳридаги ишқибозлар, мутахассислар билан тўла 25 минг кишилик янги Марказий стадионда «Универсиада-2002» талаба-ёшлар II спорт мусобақаларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тошкент вилояти, Паркент туманининг «Физик-кўйиш» илмий-ишлаб чиқариш марказида 2600 тақриблик кўш иври ҳароратидан аланга олган машъала энг етакчи талаба-спортчилар иштирокчида Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятлари орқали манзилга келтирилиб, умидли бадиий гимнастикчимиз Ойдин Файзиёва ва миллий кураш устаси Шухрат Хўжаевлар томонидан стадион узра ёқилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг универсиада иштирокчиларига йўлаган табригининг Президентнинг давлат малаҳатчиси Тўхтапўлат Рижиев ўқиб эшиттирди. Ёшлик, жўшқинлик, гўзаллик ва спорт байрамига таширф буюрганлар мезмонлар томонидан тайёрланган беш қисмли қизиқарли дастурни мароқ билан томоша қилишди.

БУГУН
саралаш босқичлари орқали 130 минг нафар талаба ёшлар орасидан финалга етиб келган 2368 нафар энг кучли умидли спортчиларнинг 12 та тури бўйича мусобақалари бошлаб буюришди. Улар орасида кўпбал Жяхон, Осий биринчиликлари, халқаро мусобақаларнинг голий ва совиндорлари бор.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Ёдгорлик лавҳаси очилди

Авал хабар қилингандек, мамлакатимизга таширф буюрган Япония жамоатчилиги вакиллари билан иборат делегация иштирокчида Ўзбекистон ҳудудида дафн этилган япон фуқаролари хотирасини ёдга олишга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Маълумки, бундан ярим аср илгари тақдир тақозоси билан Ўзбекистонга бир неча минг япон фуқаролари келиб қолган бўлиб, улар турли жойларда — завод, фабрикаларда ишлаб, сув иншоотлари, бошқа янрик объектлар қурилишида иштирок этгандилар. Вақт ўтиб, уларнинг айримлари ва танилган қайтши имконият топилган бўлса, мингта яқин япон фуқароси учун Ўзбекистон иккинчи ватан бўлиб, эндиликда улар хотирасини ўз зинасида шу кунга қадар сақлаб келмоқда.

Мустақил Ўзбекистон билан узаро алоқалар ўрнатилган сўнг Япония ҳукумати бир неча бор турли инсонпарвар тадбирлар ўтказиши тўғрисида таклифлар киритганидан, шу жумладан мамлакатимизда япон фуқаролари хотирасини абадийлаштириш шудлар жумласидандир. Бундай таклифлар доимий равишда қўллаб-қувватланиб келинган. Ўзбекистонга Япония давлати вакилларининг тез-тез таширфи ушбу йўналишдаги ҳамкорлик ришталари ўрнатилганининг далолатидир. Галдаги юзга яқин кишидан иборат Япониянинг ваколатли жамоатчилиги таширфи ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.

Япония делегацияси таширфининг иккинчи кунда пойтахтимизнинг маркази ҳисобланган республика «Узэкспомарказ» савдо-кўрғазма мажмуаси ҳудудида япон ўғлонлари хотирасига атаб ўрнатилган ёдгорлик лавҳасининг очилиш маросими ўтказилди.

Ушбу тадбирда сўзга чиққанлар кўнчиқар мамлакатдан Ўзбекистон диерига таширф

ХАЙР, МАКТАБ



Оқ йўл сизга, азиз битирувчилар!

Бугун сўнги кўнгирик, бу кун ниятлар оппоқ, йўлингиз бўлсин ёрғ, эртангиз бўлсин кўтлуг! Пойтахтимиздаги барча умумтаълим мактабларида 2002 йили яқунланганлиги, битирувчилар учун даавлат яқин аттестацияси бошланганлигидан далолат берувчи «Сўнги кўнгирик» байрам тантаналари бўлиб ўтди.

Мирзо Улуғбек туманидаги Амир Темур номили 112-ўрта мактабда ҳам «Сўнги кўнгирик» тадбири байрамона руҳда ўтди. Унга туман халқ таълими бўлими вакиллари, ишбу мактабнинг собиқ директори, кекса педагоглар, маҳаллаларнинг оқсоқоллари, фахрийлари ва албатта, ота-оналар таширф буюрдилар. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси анграганидан сўнг мактаб директори, «Соғлом авлод» ордени соҳибдаси Шоира Сулеймонова сўзга чиқиб, жумладан шундай деди:

— Мактабда жорий йилда 1987 нафар ўқувчи ўқув йилини муваффақиятли яқунладилар. Улардан беш юзи аълочилардир. Бизда таълим рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. Ҳозир ўқувчи, эртага мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги бўлган ёшларимизни касбларга тўғри йўналтириш ва ҳаётда улар танлаган йўллари ойдин, порлоқ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар



ҚИСКА САТРАЛДАРДА

КАДРЛАР тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазибаларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академиясида бўлиб ўтган анжуман инглиз тилини махсуслай ўқитишга мўлжалланган электрон дарслиқлар яратилишига бағишланди.

ТОШКЕНТ Давлат тиббиёт институтида ўтказилган «Ажаб шарқ аёллик аёл қани?» мавзусидаги анжуманда шахримиздаги коллеж, лицейларнинг ўқувчи қизлари ҳамда Собир Раҳимов туманидаги фаол аёллар иштирок этишди.

МИРЗО Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида Германия, Буюк Британия ва Жанубий Корея ўқув мақсақларига малакасини ошириб қайтган профессор-ўқитувчиларга сертификатлар таширфилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Шаҳримизда замонавий турар жой биноларини бунёд этишда «Габус-қурилиш-турт» шўъба корхонаси бунёдкорлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

СУРАТДА: электр пайванди Абдуқамом Исмомов (чапда) ва тикловчи Алексей Фёдоровлар корхона илғорларидан ҳисобланади.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН СЕМИНАР

Ҳамза туман ҳокимлиги ҳамда туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси шахримиз тадбиркорларини 29 май кун соат 10.00 да «Авиасозлар» маданият саройининг катта залида қилиб, ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган семинарга таклиф этади.

Анжуманда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Адлия бошқармаси, шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ва бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этидилар. Семинар очилишидан олдин Ҳамза туманида ишлаб чиқарилган товар ва махсуслотларнинг кўрғазмаси бўлиб ўтди.

Семинарда иштирок этиш ниятида бўлган тадбиркорларнинг 94-16-70, 191-60-48 телефонларига кўнгирик қилишларини сўраймиз.

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Япония Либерал-демократик партияси Сийёси кенгаши раиси Таро Асо ҳамда мазкур партиядан ушбу мамлакат парламентиغا сайланган депутат Нарияки Накаямаи қабул қилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шанба кун Бойсун туманида тантанали равишда очилган «Бойсун баҳори» халқаро фольклор фестивали иштирокчиларига табрикнома йўлагди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра «Кувасойцемент» акциядорлик жамияти ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар.

● Тошкент Давлат юридик институтида икки палатали парламент фаолиятининг ҳуқуқ асосларини яратишга бағишланган «Давра суҳбати» бўлиб ўтди.

● Ўзбекистондан четга олиб кетилган ва халқ бойлиги бўлган архив ҳужжатларини қайтариб олиб келиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси ҳузуридаги махсус комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилар Кенгашида Нукус шаҳрининг 70 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

● Республика «Маънавият ва маърифат» марказида унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари раҳбарлари иштирокчида бўлиб ўтган мажлисда маънавият ва маърифатимизнинг бугунги долзарб масалалари муҳомаа этилди.

● Тошкентада Фанлар академияси ижтимоий-гуманитар йўналишдаги илмий тадқиқот институти ва олий ўқув юртлиари ёш тадқиқотчиларининг француз тарихчиси Франсуа Энн билан учрашуви бўлиб ўтди.

● Миллий Олимпиада қўмитасида Марказий Осий мамлакатларида махсус Олимпиада дастури муҳомаа этилди.

● Мамлакатимизда микроскоплар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда. Тез орада 200 та шундай асбоб ишлаб чиқарилади. Чирқидоги «Дека» қўшма корхонаси ҳамда Самарқанддаги «Эл» ва «Кинап» қўшма корхоналари шу ишга бел боғладилар.

● «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририят томонидан Фанлар академиясининг Тарих институти олимлари нашрга тайёрлаган «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни» китоби чоп этилди.

● Тошкентада IVAХ компанияси ваколатхонасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

● «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамғармасида бўлиб ўтган йиғилишда республикаимизда Бутунжапон атроф-муҳит кўнига бағишланган Экология ва саломатлик кўнларининг иккинчи босқичини ташкил этиш ва ўтказиш масалалари муҳомаа этилди.

● Бугун мамлакатимиз пойтахтида кун бўйи ҳаво ўзгариб турди. Шарқдан сониясига 7-12 метр тезликда шамол эсди, айрим жойларда шамолнинг тезлиги сониясига 10-15 метргача етди. Ҳарорат 22-24 даража бўлди. Бугун кечаси ҳароратнинг 13-15 даража, ортага эса 28-30 даража бўлиши кутилмоқда.

Жаҳонда

● **КЕЧА** АҚШ Президенти Жорж Бушнинг Россияга қилган биринчи расмий таширфи ва унинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан олий борган музокаралари яқунланди. **КЕЧА** нинг ўздаёқ ҳар иккала Президент олий даражадаги янги учрашувлари ўтказилди. Жорж Буш Парижда Франция Президенти билан, Владимир Путин эса Санкт-Петербургда Финляндия Президенти билан учрашдилар.

● БМТ Бош қотиби Кофи Аннан Покистон раҳбари генерал Парвез Мушаррафни Қашмирда вужудга келган кескин вазиятни тугатиш борасида қатъий қоралар қўришга чакирди. Шунингдек, у Мушарраф терроризмга қарши кураш йўлида ўз зинмасига юклатилган вазибаларни бажариш кераклигини айтди.

● **КЕЧА** Грузияда Мустақиллик тикланганлиги кунини нишонладилар.

● Хиндистон Бош вазири Атал Бихари Вапнай Покистон раҳбариятини террорчиликка қарши кураш борасида ваъдабозликдан нари ўтмайтанликка айблади.

● Тожикистон билан Афғонистон чегараларидан ўтувчи йўлларда катта юк машиналари пайдо бўлди. Чунки, кунини кеча 70 тонна инсонпарварлик юклари ортлган 8 та оғир машина йўлга чиқди. Улар Панж ва Кундуз шаҳарларида қийин аҳволда яшаб турган қочқарлар учун турли хил маҳсулотлар, кийим-кечаклар ҳамда дори-дармонлар олиб бормоқда.

● Ўзбекистон педиатрлари «Она ва бола» дастури доирасида Польшада ўтказилган халқаро илмий анжуманида иштирок этиди. Ўзбекистонлик мутахассислар Европанинг таникли педиатрлари билан бир қаторда педиатрия соҳасида Ўзбекистон тиббиётини эришлган сўнги ютуқларини билан яқин алоқалар ўрнатидилар.

● Бугун Москвада НАТОнинг Россиядаги миссияси ўз ишини бошлади.

● Ереванда Бутунарманларнинг II конгресси ўз ишини бошлади. Унда жаҳоннинг турли бурчақларидан келган уч мингта яқин делегат қатнашмоқда.

● Швейцарияда анчадан бери даволанаётган Саудия Арабистони подшоҳи Фаҳд яқин кўнларда тизза бўғимини операция қилдириш учун жароҳлиқ столга ётиши мумкин. Саудия Арабистони подшоҳлиги тарқатган манбаларда шу ҳақда хабарлар бор. Аммо шунини айтиш керакки, ёши улғайиб қолган ва соғлиги анча ёмонлашган (қанди диабет, қон босимининг бузилиши ва бошқа касалликлар ҳужуж қилиб туради) бўлишига қарамай подшоҳ хали бирон марта тизза бўғимларидан шикоят қилмаган эди.

● Буюк Британия ҳукумати ноқонуний муҳожирларга нисбатан кескин қоралар кўрмоқчи. Бош вазир Тони Блэрнинг фикрича, бу муаммо ечилмаси, мамлакатдаги зарлараро тотувликка путур етиши мумкин. Шу сабабли ўрта ер денгизинда ноқонуний муҳожирларни ташибётган кемаларни ушлашга қироллик харбий кемалари сафарбар қилиниши мумкин. Буюк Британияда яшаб юрган, лекин қочқин макомини ололмаган муҳожирлар ҳам мажбурий равишда юртга жўнатилади.

● Афғонистоннинг Хост вилояти аэропорти яқинида АҚШнинг 600 нафар харбийлари кетаётган автоконтонна халокатга учраши туфайли 2 аскар ҳалок бўлиб, 10 нафари жароҳатланган.

● Япониянинг Роккасе қишлоғи (Аомори ҳудудий бўлими) мэри Хисаси Хасимото ўрмонда ўзини ўзи осиб қўйди. Полияча берган маълумотга кўра, ўрмонда Хасимотонинг мурдаси дархатга осилган ҳолда топилган. У пораҳўрликда айбланаётган эди. Яқинда у Роккасе полиция участкасига қайта тергов учун қақрилган эди.

● Бразилия шаҳарларида бирининг маъмурияти отлар меҳнати ҳақида қонунлар мажмуасини маъқуллади.

ТАДБИРЛАР Экология ва ҳаёт

Собир Раҳимов туманидаги 1-ўрта мактабда «Биоэко-сан» республика ёшларининг ўқув-услулий мажмуасига қарашли мактаб қошида ташкил этилган «Ёш биологлар» тўғарагининг ҳисобот тарзида очик дарси бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир она-табиати асраш мавзусига бағишланган бўлиб, унда тўғарак аъзолари — 6-8-синф ўқувчилари ўзларининг экология оид билимларини намойиш этидилар ҳамда «Биоэко-сан» мажмуаси томонидан тақдим этилган «Гейвандлик — юр авлоди», «Атроф-муҳитни асраш» номли фильмларни томоша қилдилар.

Ушбу тадбирда «Биоэко-сан» мажмуасининг химия фанлари доктори К. Розиков, тиббиёт фанлари доктори Д. Тешабоев ҳамда биология фанлари номзоди Ж. Сиддиқовлар сўзга чиқиб, ер, сув, ўсимлик олами ва ҳайвонот дунёси, умуман она-табиатга муҳаббат туйғуларини шакллантириш ҳақида гапирдилар.

Тадбирда Собир Раҳимов туман ҳокимлиги ва туман қўшма-ча таълим марказидан вакиллар ҳам қатнашдилар. «Ёш биологлар» тўғараги аъзоларининг бадиий чиқишлари очик дарсга ўзгача фазил ва шукўқ бағишландилар.

Шу каби тадбирлар ўқувчиларнинг атроф-муҳитни асраш, улардаги бағриқлик илҳлатларига қарши кураш, фаоллиқни шакллантириш, умуман она-табиатимизга меҳр-муҳаббатларини қучайтиришга хизмат қилади.

(Уз муҳбиримиз)

Маънавият гулшани

«Мозийга қараб иш кўриш хайрлидир», деган эди буюк адибимиз Абдулла Қодир. Дарҳақиқат, биз ўтмишимизнинг битмас-туганмас ҳазиналари, бой қадриятлари ва маънавиятидан қанчалик кўп баҳра олсак ўзгилганимиз шунчалик яқин англаймиз. Бугунги кунда айниқса ёшларимизни бой ўтмиш меросимиздан олижи борида кўпроқ баҳраманд қилиш жуча муҳимдир.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, Ўзбекистон телерадиокомпанияси, «Тошкент оқшоми» газетаси ва Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамкорлиқда хайрли ишга қўл уришди.

29 май кунини Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида «Мозий сабоси» — қалблар садоси» йўналиши бўйича адабий-музыкалий доимий амалдаги ёшлар мулоқот гуруҳини бўлиб ўтди.

Шунини айтиш керакки, асосан умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари, олий, ўрта-махсус ўқув юртлиари талабалари, маҳаллалар ўқитувчилари, умуман қизиқувчилардан ташкил топган ёшлар мулоқот гуруҳи — «Маънавият гулшани» ёш қизиқувчилар давраси эндиликда ҳар ойда пойтахтимизнинг маданият ва маънавият масканларида мунтазам равишда фаолият кўрсатади. «Мозий сабоси» — қалблар садоси» номли гуруҳи доирасида гўзал пойтахтимизнинг

ВАДНТЕ

Ва МИЖОЗ

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА — ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

Сифатли маҳсулот ҳаммага ёқади

Кўпгина ҳамшаҳарларимиз мамлакатимизда яқинда ўз фаолиятини бошлаган «Nestle Uzbekistan» Ўзбекистон — Швейцария кўшма корхонасининг маҳсулотини тагиб кўриб ўз баҳоларини беришга улгуришди.

Харидорларнинг фикрларига кўра 0,5 ва 1,5 литрлик идишлардаги «PURE LIFE» ичимлик суви, 200 миллиметр ва 1 литрлик ҳажмда қадоқланган узоқ вақт сақланган сут ажойиб таъми, чиройли кўриниши ҳамда нархининг мақбуллиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ўз фаолиятини 1866 йили бошлаган жаҳонга машҳур «Nestle» корпорацияси бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг йирик инвесторларидан ҳисобланади. Шунинг таъкидлаш ҳолатида, янги кўшма корхонани ташкил қилиш учун ўз ҳозиргача 23,5 миллион долларлик инвестиция киритди. Ушбу лойиҳага 2006 йилга қадар киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 30 миллион долларни ташкил этади. Янги корхона 200 дан ортиқ кишига иш жойлари-


ни очди. Компаниянинг малакали муҳассислари маҳаллий кадрлар учун доимий асосда малака ошириш курсларини ташкил қилишди. Корхонанинг 30 нафар ходими ҳозиргача Туркия, Покистон, Франция, Швейцарияда таълим олди. Янги кўшма корхонанинг цехларига замонавий асбоб-анжомлар ўрнатилган, илғор технологиялар қўлланилмоқда. Наманган вилоятида сут қабул қилувчи 29 та марказ тузилди. Жорий йил охиригача улар сонини қирқтага етади.

Жаҳоннинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар саноати ҳар йили истеъмолчиларга 3,5 миллион долларлик тайёр маҳсулотни тақдир этади. Ушбу миқдорнинг икки фоизи «Nestle» улушига тўғри келади. Ва ҳозирги кунда уч мингдан ортиқ турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини чиқараётган компанияда ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсиши учун янада катта салоҳият борлигини таъкидлашди.

Ўзбекистонда инвестиция лойиҳасини таъбиқ этиш олти йилга мўлжалланган. Унинг амалга оширилиши натижа-сидан эса Ўзбекистонлик истеъмолчилар

дасурхонларидан юқори сифатли сут маҳсулотлари, болалар таомлари ва кўплаб бошқа нарсалар ўрни олади. Жорий йилда «Nestle Uzbekistan» кўшма корхонаси ишлаб чиқараётган маҳсулотининг бир қисмини экспортга чиқаради.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТДА: кўшма корхонанинг янги маҳсулоти.



ФОНД БОЗОРИ

Яқинда молиявий хизматлар банклари марказида «N.COM» кўшма корхонаси, «HCI Projects inc» шўба корхонаси ва «Асклепий» фирмаси корпоратив (номи кўрсатилган, фоизли) облигациялари чиқарилишининг тақдироти бўлиб ўтди.

Тақдирот маросимида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси, Қимматли қоғозлар бозорининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, турли ташкилот ва компанияларнинг вакиллари иштирок этишди.

ИНВЕСТИОРЛАРНИ ЎЗИГА ТОРТМОҚДА

Ўтган йилнинг августидан ташкил этилган халқаро эмиссия синдикати (ХЭС) янги облигациялар чиқарилишининг ташкилотчилигини, Мамлакатимиздаги ва хорижий компаниялар ҳамда банклар, жумладан, «Carthill Assets Management Company» (Буёқ Британия) шўба корхонаси, андеррайтерлар: «Бизнес банк» ХОАТБ, «Ал Жамол Банк», «АБН АМРО Банк НБ Ўзбекистон А.О.» (Голландия), шунингдек «Капиталбанк», «Авиабанк», «Пахтабанк», «Заминбанк», «ХИФбанк»лар унинг аъзолари бўлди. Инвестиция маслаҳатчиси сифатида «А & ТМ» компанияси фаолият кўрсатмоқда.

Тақдирот маросимида таъкидланганидек, корпоратив облигацияларни чиқариш корхоналарини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, янги технологияларни таъбиқ этиш, ўз айланма маблағларини тўлдирishдек энг зарур юмушларни бажариш учун йўналтирилган. Яқин вақтгача ушбу барча масалалар, олатдагидек корхоналар томо-

нидан банк кредитлари ҳисобига ҳал этиларди. Ҳозирги пайтда эса республикада янги молия йўналиши — моҳияти жиҳатидан банк кредитига муқобил ҳисобланмиш номи кўрсатилган фоизли облигациялар пайдо бўлди. Ўзбекистон фонд бозори учун молия инструментининг янги тури ҳолис равишда бозор сармоясидан инвестицияларни жалб этиш учун оммабон йўналишга айланмоқда.

1 ойдан 1,5 ойгача бўлган қисқа муддатлар, лойиҳани олдиндан тайёрлаш, банк кредити билан солиштирганда инвестицияларни олиш учун нисбатан паст

ҳаражатлар, тижорат банки томонидан корхонага берилиши мумкин бўлган тижорат кредити миқдорига қиёслаганда сезиларли даражада кўп заём маблағларини жалб этиш имкониятига эга бўлиш бунга омил бўлади.

Облигацияларнинг бирлашган суммаси қимматли қоғозларнинг бир йилдан икки йилгача муомалада бўлиш муддати билан 770 миллион сўмни ташкил этади. Ҳозирга қадар иккита эмиссия бирламчи жойлаштириш бошқичидан ўтди. «Асклепий» компаниясининг облигациялари бирламчи жойлаштирилмоқда. Ушбу қимматли қоғозларнинг кафолатланган қувватлигини ҳисобга олган ҳолда улар инвесторларни сезиларли даражада ўзига тортади.

Халқаро тажриба, эндиликда корпоратив облигацияларни чиқариш ва жойлаштириш миллий амалиёти молиявий манбаларни облигацияли заёмлар орқали жалб этишининг самарали эканлигини кўрсатмоқда.

ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШМОҚДА?



Кредитлар самараси

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, янги технологиялар, илмий ишланмаларни жорий қилиш, корхоналарни қайта таъмирлаш, экспорт-боп ва хорижийки ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш — бу ва яна бошқа кўпгина лойиҳалар республика молия институтлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар кўпгина муаммоларни ечишга имкон туғдирмоқда.

Мана бир оддий мисол. «Самарқанд» автобекати нафақат тошкентликлар, балки пойтахтимиз меҳмонлари учун ҳам яхши таниш. Ҳозир бу ерда катта курилиш ишлари кетмоқда — йўл ўтказгич бунёд этилмоқда, худуд янгидан ўзлаштирилмоқда. Бир оз нарироқда, бўш ётган майдонда эса автомобиль ҳайдовчилари учун замонавий хизматлар мажмуаси ташкил этилди.

Худудни ободонлаштириш, «Sun international inc» кўшма корхонаси томонидан замонавий автомобилларга ёниги қўйиш мажмуасининг бунёд эти-

«Маркони» фирмасидан ёрдамчи анжомларни ҳам олди. Буларнинг бари жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатилишини таъминлайди.

Шуниси ҳам муҳимки, кредитларни ўзлаштириш чоғида меҳнат манбалари бозорига энг кам даражадаги рақобатбардор тоифа — аёллар учун иш ўринлари ташкил этилди. Бундай қараганда улар эркакларнинг ишларини бажараётган бўлсаларда, 20 нафар оператор қизлар ўз мажбуриятларини муваффақиятли тарзда удаламоқдалар.

«Sun international inc» кўшма корхонасининг истиқбол режалари улкан. Улар самарали иш — банк билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишининг кафолати эканлигини яхши тушунадилар.

(Ўз мухбиримиз) СУРАТЛАРДА: «Мисс Петро» автомобилларга ёниги қўйиш шохобчасида. Сергей Любич олган суратлар.

СИЗНИНГ ХАМКОРИНГИЗ

Мана бир неча йилдирки, юртимизда «АБН АМРО Банк» фаолият кўрсатмоқда. У республикамизда хорижий сармоя иштирокида ташкил этилган тўртта банкнинг биридир.

Мамлакатимиздаги фаолият давомида миқдор билан ишлаш «тактикаси»га ўшб кўхна голланд банкнинг юз йилдан ортиқ вақт ичида тўплаган тажрибаси асос қилиб олинди. Бунда устуңлик биринчи навбатда халқаро бизнесга ихтисослашган корхоналарга — Ўзбекистон билан савдо алоқаларини олиб

борувчи йирик хорижий корпорациялар, халқаро компаниялар ва албатта экспорт салоҳиятига эга бўлган мамлакатимиздаги фирма ва корхоналарга берилди. Ҳамкасблар — корреспондентлик банк хизматларига эҳтиёж сезувчи маҳаллий банклар ҳам эътибордан четда қолмапти. Буларнинг барчаси, албатта миқдорларни сонини ошишига омил бўлмоқда. Жаҳоннинг 76 мамлакатидидаги банклар, халқаро корпорациялар ва компаниялар билан ҳамкорлик қилган ҳолда «АБН АМРО Банк НБ Ўзбекистон А.О.» шу йўл билан ўз миқдорларини учун муайян шериклар излашга интилоқда. Банк ўзбекистонлик корхоналар манфаатларини хорижда оқилона ифода этмоқда.

Ўзбекистон — Голландия банки аккредитивлар, маҳаллий ва хорижий валютада ҳисоблар очиб, халқаро пул ўтказишлар, тижорат заёмлари, маслаҳатлар бериш каби кенг қўламадаги хизмат турларини кўрсатмоқда. Ҳар бир банкнинг «молиявий соғломлиги»ни кўрсатувчи рейтинг йўналишларидан бири, бу — активларининг ўсишидир. Мазкур банкнинг активлари хусусида тўғталанидан бўлса, ўтган йили у 3,1 фоизга ўсди. Бунда унинг активларининг 70 фоизи кредит қўйилмаларидан иборат бўлиб, уларнинг асосий қисми йирик савдо компаниялари, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотини экспортга чиқарувчилар, кичик ва ўрта бизнес корхоналари томонидан топшириладиган иқтисодий жиҳатдан фойдаланиш лойиҳаларига йўналтирилади.

«Оқшом»ГА ХАТЛАР

Шаҳримиздаги «Самарқанд» шохбекати Усмон Носир кўчаси устидан кўприк ўрнатилиши муносабати билан бузилиб, «Тошкент» шохбекатига кўчирилгани туфайли йўловчилар бироз ноқулай аҳволга тушиб қолган эдилар. Табиийки, доимий кетиш жойидан автобсга чиқадиган йўловчи энди йўлини ўзгартириб, бошқа бекатга ва бошқа чипта сотиш шохобчасига бориши, навбат кутиши керак бўлади. Биз бу ўзгаришлар йўловчи ва ҳайдовчиларда қандай фикрлар уйғотаётгани билан қизиқдик.

Қулайликдан мамнунмиз

Бизда навбат кутишининг ўзи йўқ, — дейди «Тошкент» шохбекати бошлиғи Марат Собитов. — Чипта сотиш тартиби компьютерлаштирилган. Йўловчи чипта сотувчи ходимларимиз орқали истаган манзилга чипта олиши, вақти кўрсатилган автобсга чиқиши ва ҳар беш-ўн дақиқада радиоканарай орқали эшитиши мумкин. Биз ҳисобланар эди. Ҳозир эса шаҳар кенгайиб, менимча, шохбекат ичкарида қолиб кетди. Сергели туманида аҳоли кўпайиши, транспорт катнови ортиши, табиийки, йўллари янаям кенгайтиришга, янги кўприклар куришга олиб келгани эҳтимол. Бу янги кўприк курилиши шароит тақозоси билан жуда тўри, айна зарур юмушдир. Ҳаммадан ҳам «Янгийўл — Тошкент» йўналиши учун жуда қулай бўлди. Оралмидаги масофа ва вақт тежаллади.

— Тараққиёт кутиб турмайди, — дейди йўловчи Олим Ҳакимов. — Ҳамма иш талаб ва тақлиф асосида бажарилгани маъқул. Менимча, шаҳарлар ичида кўприк курилиши аҳолига кўпдан-кўп қулайликлар яратиш билан бир қаторда турмуш тарзларига ҳам таъсир кўрсатади. Вақти келиб, фойдаланишга яроқсиз бинолар, йўллар тараққиётга, яъни янгилаётган шароитларга, ўзгаришларга ҳалакат беради. Шундай пайтда, албатта, эскисини бузиб, янгисини куриш керак. Тўғриси, «Самарқанд» шохбекати йиллар ўтиши, аҳоли кўпайиши, транспорт катновиди муаммолар пайдо бўлиши натижасида жойини ўзгартиришга тўғри келади. Автобуслар шохбекати асосан шаҳар чеккасида бўлгани маъқул.

Тўғри, вақт — олий ҳакам. У ўз ҳукмини ўтказмай қўймайди. Уйлаймизки, вақти келиб Тошкент Халқа йўлини бирлаштирувчи кўприклар куриб, битказилиб бўлган, пайдо бўлган қулайлик ва афзалликлар яққол кўрилади.

Зоир ТУРСУНОВ

ГАЗЕТХОН МАҚТАЙДИ...

Раҳмат, шифокорлар! Шу ўринда физиотерапия бўлимининг озодалигини ҳам таъкидлашни истардим. Ҳозир шифо топиб, дарддан фориғ бўлган қария сифатида марказий шифохона жамоаси (бош врач С.Ибрагимов)га ўз миннатдорчилигини билдираман. Раҳмат, шифокорлар!

Муҳиддин Жўраев, халқ таълими аълочиси.

ЖАВОБ ОЛИНДИ

Газетамизда 11 мартда шу сарлавҳа остида лўқма чоп этилганди. Унда Фарғона йўли кўчасидаги Ҳамза темир йўли станцияси устидан ўтган йўл ўтказгич остида чиқиндилар йиғилиши натижасида юзга келган антисанитария ҳолати танқид олинганди.

Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармасидан келган жавобда ҳозирги кунда лўқмада келтирилган барча камчиликлар баргараф этилаётгани билдирилган. Худуд бир неча бор чиқиндилардан тозаланди ва

ЛУҚМА

Нохушликлар қачонгача?

Юнусобод туманидаги 8-мавзёда жойлашган 20, 21, 22-йўлларга мабодо йўлингиз тўдса, асло кун ботганда бора кўрмган. Чунки қоронгида кўпгина олмай сарсон бўласиз, бунинг устига хубонингиз ҳам ошиши турган гап. Чунки ушбу йўллар оралмига 10 та симёғор ўрнатилган бўлишига қарамай, улар курак сувлаёткичи туришибди. Уларга ўрнатилган ёриткичлар эса ёнмайди.

Уйларда истиқомат қилувчи хонадон соҳиблари мутасаддиларга қайта-қайта мурожаат этишгач, монтерлар келиб обдон текширишди ва натижада «лампочкалар қўйибди, бошлиқдан рўхсат олсаларинг, бошқасини ўрнатиб берамиз» деб кетишди. Бунинг қарангки, улар кетгандан кейин ярим соат ўтар-ўтмас «куйган» лампочкалар ёнса бўлади. Бўлар экан, 3 кун ҳовлилар чарогон бўлди. Лекин яшовчиларнинг дил равшанлиги эззққа чўзилмади, чи-роқлар яна ёнмай қўйди. Раҳбарларга яна мурожаат этилди, аммо натижасидан дарак йўқ. Улар ҳушига келса чироқлар ёнади, хушига келма-са йўқ. Бундай ҳол қачонгача давом этаркин, ҳамма билонмай ҳайрон.

Кўча ҳам майли, хонадонимиз чарогонку, деб ўзингизни овутсангиз, ушбу мав-

ТАНЛОВЛАР

Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги

Пойтахтимизнинг сўлим гўшаларидан бири — «Богий Эрам» маданият ва истироҳат боғида «Маҳаллада соғлом муҳит — мактабда соғлом авлод» мавзусидаги кўрик-танловнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан ўтказилган мазкур танлов Қарияларни кадрлаш йилига бағишланди. Ёшларимизни миллий истиқбол гоғларига садоқатли, маънавий баркамол, ватанпарвар этиб тарбиялашда кенг жамоатчилик фаолиятини мувофиқлаштириш борасида муҳим дастуриламал бўлаётган «Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» концепцияси вази-фаларини тўлиқ бажара бориб ушбу кўрик-танлов тўрт йилдан бунён мунтазам ўтказиб келинапти ва бу йилги сўлт бўлди. Ҳаммадан ҳаммада унда шаҳримиздаги юзга яқин маҳалла ва мактаблар иштирок этиди.

Ярим финал босқичида ўн битта туман иштирок этиб, юқори кўрсаткичга эришган олтига голиб туманлар финал босқичида ўзаро беллашдилар.

Кўрик-танловда «Кўринг мен ва мейннг маҳалла», «Оила, маҳалла, мактаб муаммоси ва унинг ечимини», «Қари билганини пари билмас» ҳамда «Биз севган клип» номли шартлар бўйича мактаб ўқувчилари ва маҳалла аҳли ҳамкорликда беллашдилар.

Шартларни бажаришда биринчи синф ўқувчисида тортиб, маҳалла-ларнинг оқсоқоллари, фаоллари, пиру бадавлат отахону онахонлари — маҳалланинг жонқурларни сахна кўринишларида катнашдилар.

Энг юқори балл тўплаган Мирзо Улугбек ту-

ТРАНСПОРТ

Ота-бола ҳайдовчилар

Ҳар бир ҳунарнинг ўзига яраша гаши ва машаққати бўлади. Севган касбинни астойдил эъзозласанг, меҳр қўйсанг у сенга бахт калитини тутқазсади, муродинга етказсади. Бу яхши хислатларни Маҳмадjon Аҳмедьяновнинг мазмуни ҳаёт йўлида кўриш мумкин.

Миллион километр йўлни машина чамбаратини моҳирлик билан айлантириб хатарсиз босиб ўтган Маҳмадjon Аҳмедьянов меҳнат фаолиятини 1966 йилдан бошлади. Тошкент зилзиласи оқибатларини тугатиш ниятида халқ хўжалиги юкларини белгиланган манзилларга элтиб қўйди. Янги турар жой ва маъмурий биноларнинг бунёд этишда фаол иштирок этиб кўплаб мукофотлар эгаси бўлди. Акаси моҳир ҳайдовчи Зокирjon Охунжоновнинг маслаҳатларига амал қилиб 12-автобус корхонасида меҳнат фаолиятини давом эттирди.

— Касбимдан мамнунман, — дейди Маҳмадjon Аҳмедьянов. — «Дўстлик-2 — Чилонзор метроси» бекати орасидаги 18 чакирмили масофада «Мерседес»ни 98-йўналиш бўйлаб бошқараман. Йўналишга 8 та машина бириктирилган, автобусларнинг орасидаги ҳаражат мароми 11 дақиқа. Ҳамкасбарим Абдурауф Тулаганов, Ортикали Кенжаев, Ақром Охунжонлар билан ҳамжиҳатликда йўловчиларни қўзғатган манзилларга етказамиз. Бунинг устига режадаги кира ҳақини йиғишни ҳам удаламоқдамиз. Юқори кўрсаткичларга эришишда йўналиш сардори Мурод Убайдуллаевнинг маслаҳат ва йўл-йўриқларига амал қиламан.

Биринчи тоифали касб эгаси М.Аҳмедьяновнинг фарзанди Баҳодир Аҳмедьянов ҳам ота изидан бориб 12-автобус корхонасида пешқадимлар сафидан муносиб ўрин олди. Ҳозирги кунда «Кўйлик» бозори — Сирғали» орасидаги 117-автобус йўналишида ҳамшаҳарларимиз узоғини яқин қилмоқда.

Ота-бола ҳайдовчилар бугунги кунда йўловчилар олқушини олаётганидан мамнун ҳолда меҳнат қилиб, эл-юрт қорига яратганидан фахрланишмоқда. Уларнинг мақсадлари ўзларининг намунали хизматлари билан йўловчиларни бехатар йўл-ларига элтишдир. Ҳар бир айтилган «раҳмат» эса уларга алоҳида куч-ғайрат бағишлайди.

Усмон МУҲАМЕДОВ



СУРАТДА: танлов қатнашчилари.



Одамларга аралашиб, улар билан яхши муносабат ва гўзал муомалада бўлишга «маошират одоби», яъни маданий бир инсон каби яшаш одоби дейилади. Маошират одобидан яхши хабардор бўлган одам ҳаммамнинг ҳурматини ўзига жалб этади. Ким бўлса бўлсин, ҳатто олим, мутафаккир одам бўлса ҳам, маошират одобига риоя қилмаса, халқ назаридан тушади, ҳеч ким унга илтифот қилмайди.

Маошират одоби ҳар миллатда бошқа-бошқа бўлиб, ҳар миллатнинг махсус аънаъаси, урф-одади, одоб-ахлоқи бордир, булар у миллат учун муҳтарамдир. Шунинг учун ҳар бир одам ўзи мансуб бўлган миллатнинг маошират одобини билиш билангина қияланмасдан, бошқа миллатларнинг ҳам урф-одатларини яхши диққат қилиб ўрганиб ҳурмат ва риоя қилиши лозимдир, бундан чикармаслик керак.

БАЙТ:
Сен агар қилсанг, биров кўнглини хуш
Халқ дарёси сенга ҳар лаҳза жуш.

● Олим ва фозиллардан бири айтади:
— Искандар Румийга бир қалъа гўмбаз ичида ётган бир тошни топиб олиб келтирдилар. Бу тошга мана шу сўзлар нақш этилганди:

— Эй, бу тошни қўлига олган киши, мана шу тўрт нарсага эътибор қил:

— қўлингдан келганча ҳаммага яхшилик қил, дунёнинг обрўси яхшилик билан барпо бўлади, дарахт парвариш билан, одам яхшилик билан камолга етади;

— агар сенга биров ёмонлик қилса, сен яхшилик қилиб уни уялтир, ёмонликка ёмонлик қилсанг, сен билан унинг орасида фарқ қолмайди, ҳар иккинчи ҳам ёмонлардан саналасиз.

БАЙТ:
Ким заҳар берса, сен шакар бергил,
Гар узоқ бўлса, сен яқин бўлгил.

● Бировнинг кўнглига озор беришдан сақлан. Мардум озордан халқ безордир. Бир кишининг айбини бошқа бир кишига ихзор қилма, бундан ҳазар қил.

БАЙТ:
Десанг халқ ичинда қизил юз бўлай,
Бировнинг юзин ҳеч қора қилмагил.

● Турмушда доимо ўртача йўлни ихтиёр қил, шодлик келса, юрар-турарингни билмай ховлиқиб кетма, қайғу келса ортик даражада қайғуриб, саломатлигингни йўқотиб қўйма, ўртача йўл тусанг, тинчликда, роҳат ва фароғатда яшайсан.

БАЙТ:
Дахр шодлик, қайғусига бўлма хуррам,
Гам ема,
Бу жаҳон расми гаҳий ундоғ, гаҳий
Бундоғ эрур.

● Шоир Сайид Аҳмад Васлий айтади:
Кимки чин кўнгил билан файзи сафо
қилса талаб,
То абад ҳаргиз узилмас кўнглидан
осори файз.

● Гўзал тadbир-хйла соясиди киши ўзини қийинчиликдан, фалокатдан қутқазсади. Уйламадан сўзлаган киши тилидан илнамди, шарманда бўлади. Бунга бир мисол:

ХИКОЯТ: Акрам исмли аккли, тadbирли бир одам отга миниб даладан шаҳардаги уйига келаётди, бир сув бўйига келиб тўхтади. Отини бир дарахта боғлади, ўзи хуржундан овқат олиб ейишга ўтирди. Шу вақт байтал от минган киши етиб келди. Отдан тушиб, Акрамнинг оти ёнига отини боғламоқчи бўлди. Акрам бунга қўнғирди:

— Хой биродар, менинг отимнинг феъли ёмон, жуда тепонгич, отингизни тепиб ўлдириб қўйма, бошқа дарахта боғланг.

У киши ўзини қарликка солиб, байтални Акрамнинг оти ёнига боғлади ва ўзи индамай-нетмай келиб, Акрамнинг овқатидан ея бошлади. Акрам ҳайрон бўлиб:

— Мен билан ҳали кўришмасдан туриб ёнимга келиб ўтирасиз ва мендан рўхсат сўрамай овқатингизга қўл утирасиз ё бошлайсиз, бу нима қилганингиз? деса ҳам у одам илтифот қилмай овқатини тушира бошлади. Акрам, бу одам қўнғир тошдек битиб қолган кар ва тилсиз соқов бўлса керак, деб ўйлаб индамай ўтирди.

Орадан кўп вақт ўтмай Акрамнинг оти у кишининг байтални қорнига қаттиқ тепган эди, байталнинг қорни ёрилиб ўлди. Киши отининг ўлганини кўргач, дод-фарёд қилди:

— Отинг менинг отимни ўлдириб қўйди, энди тўлаб берасан, — деб гавго кўтарди.

— Хой, нобокор, ўзининг гаранг, соқовликка солиб турган эдинг, энди тилинг чикдимми? Мен сенга, отингни менинг отим ёнига боғлама, отим тепонгич, ёмон от деб айтдим, қабул қилмадинг, энди ўзингдан кўр, мен айбли эмасман, — деди ва отига миниб уйига кета бошлади. У киши гавго кўтариб Акрамнинг уйига келди.

Акрам уйига кириб кетгач, ноилоҳ шаҳар қозиси ёнига бориб Акрамдан шикоят қилди. Қози одам юбориб ўз маҳкамасига Акрамни чақиртирди.

Акрам келгач, қози ундан воқеани сўраган эди, Акрам ўзини кар ва соқовликка солиб ҳеч бир жавоб бермади. Қози:

— Бу одам кар ва соқов экан, бунга айблай олмайман, — деган эди, у одам фарёд қилиб:

— Бу одам ёлғондан ўзини гаранг ва соқов қилиб кўрсатиб турибди. Мен даладан байтал отга миниб келаятганимда бу одам сув бўйида ўтириб овқатланарди. Мен ҳам отдан тушиб унинг оти ёнига отимни боғламоқчи бўлдим, у одам отининг тепонгичлигини айтиб мени манъ қилди. Мен ўзини гаранг-соқовликка солиб индамай унинг оти ёнига отимни боғлаб, овқатини ея бошладим, ўша вақтда сўзлаган одам энди ўзини гаранг, соқов қилиб кўрсатиб турибди, — деди.

Унинг сўзини эшитгандан кейин Акрам қулиб: — Қози почта, мен ўзини соқов, гаранг қилиб сизга кўрсатишим, унинг ўзини сизнинг хузурингизда иқдор қилдириш учун эди. Ана энди ўзингиз ҳақиқатни англадингиз, билиб ҳукм қиласиз деб ўйлайман, — деди. Қози Акрамнинг тadbир-хйласига офарин қилиб у кишига айтди:

— Ҳамма воқеани ўзинг айтиб бериб тилингдан илдинг. Отингни оти ёнига боғлашни манъ қилган экан, нега боғладинг? Энди айб бу одамда эмас, сенинг ўзингдир, — деб уни қулаб чиқарди.

сўзини ва ёрдами аямаслик — мана шулар инсон учун олий бахт, бу юксаликка эришишдир. Балки кимдир бунга бошқача тушунар, лекин яхшилик, меҳр-оқибат, ҳурмат-эҳтиром сингари фазилатлар қадимдан мавжуд ва хануз эъзозланиб келинмоқда. Шу йўсинда қадимги бир ривоятни келтирмакчиман.

Бир бойнинг уйи ёниб кетди. Ўзи эса иккинчи қаватдан пастга туша олмай қолади. Тўпланган оломон орасидаги қариндош-уруғлардан, ёру биродарларидан, дўстларидан биронтаси аланга ичидан қолган бойга ёрдам беролмасдан турарди. Шу пайт ёнаётган уй ёнидан юпун кийинган бир камбағал ўтиб қолади. У ёнига яқинлашиб, нима гапни тушунгач, ҳали ёниб битмаган уй деворига нарон қўйиб, ўзини аланга ичиди хонага уради ва бойни у ердан олиб тушади. Тўпланганлар ўлим чангалдан кутқарилган бой устида оҳ-воҳларини айтганларигагина, камбағал ўз ишини бажариб, хотиржам йўлига қараб кетди.

Бир неча кундан кейин бой кўчада ўлимдан сақлаб қолган ҳалоскорини учратиб, уни ўз уйига олиб боради, меҳмон қилади ва кисасидан бир неча олтин тангаларни чиқариб, камбағалга узатади. Бироқ камбағал у пулни олмайди, бой ҳайрон бўлиб сабабини сўраганда, шундай дейди:

— Бу менга бераётган олтин тангаларингиз — менинг беш дақиқалик меҳнатимга муқофот бўлса — унинг нархи бир неча қақадир. Агар бу сизни ўлимдан сақлаб қолган нархи бўлса, у холда бу оздир, инсон ҳаёти бебаҳодир. Бу олтин тангалар — менга билдирган миннатдорчилигингиз, ёки мардона ҳаракатларингизга таҳсинлар қилишимми? Унда сиз янглишасиз. Мен инсонман, бу менинг бурчим, одамгарчиликни, инсонийликни ҳар ерда ва ҳамма вақт намойиш этишдир.

У шундай деб, бой уйдан чиқиб ўз йўлига равона бўлибди.

Ха, ҳақиқатан беминнат, чин юракдан қилинган яхшилик, ҳурматнинг баҳорис йўқ. У инсонлардаги энг улуг ва энг олий фазилатлардир.

Саидман МУСАХУЖАЕВ,
филология фанлари номзоди.

ОДОБНОМА

Инсондаги улуг фазилат нима?

биринчи хотини қайнонасининг бағрига қайтади ва кундошининг қизини ўз тарбияси олади. Кундузлари жаммоа ҳўжалигида ишлаб, кечқурунлари эса қишлоқ шифохонасида фаррош бўлиб икки болани тарбия қилади, қайнонасида эса меҳр-муруватини аямайди. Йиллар ўтиб, фарзандларини олий маълумотли қилиб, ўғлини уйлантириб, қизини ҳам ўз фарзандидек турмушга узатиб хайрли ва савоб ишлар билан умрини ўтказди.

Ўтган йили мен у олихиммат аёлни учратиб қолдим. Узоқ йиллар из қолдирган, бироқ аёлнинг жисмоний гўзаллиги, қалб самимияти билан руҳлангани уни янада жозибалироқ кўрсатарди.

Бошқаларга яхшилик қилиш, ҳурмат, иззат қилиш — бу тугма ва ҳаётда орттирилган сифатлардир. Худди мана шуларни кишилар ёшлардан то қаригунга қадар ўзларида тарбиялашлари керак. Шу ўринда яна бир гал ёдимга келди: «Ўзгалар учун ёруғ нур бўлиб, одамлардан ширин

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

САНЪАТГА БАХШИДА УМР



Ҳар бир инсон тақдирида, гарчанд у ўзининг қўлида бўлса ҳам, албатта кимдир муҳим роль ўйнайди. Худди шундай, менинг ҳаётимда ҳам шундай одамлар учраган, мен улардан умрбод миннатдорман. Шулардан бири улуг инсон, республиканнинг деярли барча санъаткорлари, айниқса унинг кекса ва ўрта бўйин аёллари, таникли адиллар ҳамда олим фузалолари ҳам ҳурмат қилган, тўла маънода санъат ва маданият арбоби, Ўзбекистон театр жамияти (ҳозирги Ўзбекистон театр ижодкорлари уюшмаси) раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Раҳим Қориевдир.

У Маннон Уйғур, Аброр Хидоятлов, Етим Бобожон, Мумтоз Мухамедов, Тама-рахоним, Мухитдин Қориев, Мухаммад Турғунбоева, Уста Олим Комилов, Олим Хўжаев, Обид Жалилов, Шукур Бурхонов, Карим Зокиров, Сора Эшонтураева, Мухтор Ашрафий, Оймихон Шомуродова, Галина Загурская, Михаил Мансуров каби буюк санъаткорлар билан замондош ва сафдош бўлиб ишлаган. Ҳеч эсимдан чиқмайди, 1970 йилнинг ноябрь ойи. Деярли 10 йил Қўқон шаҳар Ҳамза номидаги мусиқали драма театрида режиссёр, бош режиссёр бўлиб ишлаб, айрим сабабларга кўра Тошкентга қайтишга мажбур бўлдим. Пойтахт театридан биринчи ўз қасбим бўйича ишлаш мақсадида Маданият вазирлиги мутасадди раҳбарларини олди маънада эртага келинг, индигача келинг деб роса сарсон қилишди ва пировард циркда ишлашни таклиф этишди. Хомуш бўлиб вазирилик биносидан чиқиб келаётганимда Раҳим Ма-

жидовичга рўпара келиб қолдим. У киши менга яхши гапирди. Хол-аҳвол сўраб, «Нега хомушсан, тинчликми?» деди. Вазият-ни айтиб берганимдан сўнг тўсатдан «Театр жамиятида ишлайсизми?» деди. «Нима иш қиламан?» деган саволимга, «Масъул котиб бўлиб ишлайсиз, театрлар билан шуғулланасан, хоҳласанг спектакллар қўйишга шароит яратиб бераман» деди. Шундай қилиб Раҳим Маждидович мени ўз бағрига олди. Ўша йиллари театр жамияти раиси бўлган Олим Хўжаев ҳам мени илиқ кутиб олди. Улар билан бирга ишлаш жараёнида у киши нақадар ташкилотчи, санъаткорларга меҳрибон, олижаноб инсон эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

Раҳим Қориев учун санъаткорнинг катта-кичиги бўлмаган, барчага бир хил муносабатда эди. Ҳар бирини хушмуомалалик, ширинсўзлик ва бир пиёла қўйиб билан кутиб оларди. Биронта одам у кишининг олдида норози бўлиб чиқганини кўрмаганман. У киши иқтидорли, ташаб-

Анвар ЁКУБХУЖАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

СУРАТДА: Раҳим Қориев Ўзбекистон халқ артисти Сора Эшонтураева (архив).

Бир кун Шарқнинг улуг доғида Сукротдан «Кишилардаги қайси фазилатларни кўпроқ қадрлайсиз?» деб сўрадилар. Шунда доғида бамайили хотирлик билан «Одамийликни» деб жавоб берди. «Одамийлик маъносиди асли нималарни кўздан тута-сиз?» деб ундан сўради яна. «Ўзига ўхшаганларга нисбатан ҳурмат, иззат-икром ва хайрихоҳлик қилиш-ни» деб жавоб берди улуг фазиласуф.

Хурмат, иззат-икром ўзи нима? Бу энг аввало инсонга ишонч, у ҳақда гўмхўрлик қилиш, унинг ташвишини қилиш ва энг муҳими — инсон сифатида унинг қадрига етишидир. Хурмат, иззат-икром кишини юксаликка кўтарди, ўз кўчига ишончли юзага келтиради ва унга мадад беради. Шарқда «Инсонга ҳурмат, чироққа мой ва бошқоққа нам керак» деган нақл бежиз айтилмаган.

Афсуски, айрим кишиларда инсонга ҳурмат, иззат ҳўжасинга, носамимий тусда намоён бўлади. Улар шахсининг инсоний қадри-қиммати эмас, балки эгаллаб турган макъени на-зарда тутаяди.

Яқинда бир дўстимни кўргани бордим. У узоқ вақт давомида илмий тадқиқот институти раҳбари вазифасида ишлаб келган, ҳозир эса пенсияда. Унинг бирор нарсага муҳтожлик жойи йўқ, уч ўғлининг иқтисоди ийрик олим, фан доктори. Мени кўргач, у: «Хамкасбларим мени унутиб юборди-лар, ҳеч бири келмайди, ҳатто телефон ҳам қилишмайди. Шундай вақтлар бўлган эдики, улар уйимгача кўзиб кўйишарди. Мен эса имконим борича хаммаларига ёрдам берадим, кўплари фан номзоди ва фан доктори илмий даражаларига эга бўлиб оlishди. Ҳеч қачон улар мени унутиб юборишларини хаёлимга келтирмаган эдим», деди гўмгинлик билан.

Ха, бинобарин ҳурмат, иззат-икром кўрсатиш — киши шахсининг ички маънавий бойлиги, қадбининг маънавий гўзаллиги, одоб-ахлоқ юзасидаги саҳийлигидир. Шу ўринда бундан ўттиз йил бурун ўтган яна бир воқеа ёдимга тушди.

Ҳамқишлоқ дўстим шаҳардан шифокор дипломи билан уйига қайтиб келди ва қишлоғимиздаги энг гўзал қизга уйланди. Бир йилдан сўнг ўғили ҳам бўлди. Улар аҳил ва иноқ яшашарди. Лекин... Шифокор дўстим хотинини ва ўғлини ташлаб, қишлоққа янги келган бир ўқитувчи

Энг билимдон тингловчи

Таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириб, уларнинг фаолиятида соғлом рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш бугунги кунда ҳар бир педагог жамоасининг асосий вазифасига айланган.

Шундан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти ўтган йил охиридан бошлаб ўз мақомини ўзгартириб Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш институти» деб номланди. Бугунги кунда бу даргоҳда қўлпаб малакали, илгор иш тажрибалирига эга бўлган педагоглар фаолият кўрсатмоқда.

Яқинда институтида малака оширишга келган мактабта таълим муассасаларининг тарбиячилари ўртасида олган назарий билимларини синовдан ўтказиш, услубий тавсиялар асосида кичикинтойларни эртақлар оламига олиб киришдаги маҳоратлари, ташаббускорлиги, янгиликни тезда тушуниб уни иш тажрибалирига ижодий қўллаб олиш, кўнникма ва малакаларини шакллантириш мақсадида «Энг билимдон тингловчи» кўрик-танлови ўтказилди. Танловда иштирок этувчилар аввал те-

стлардан ўтказилиб саралаб олиши.

Танлов иштирокчиларидан С.Раҳимов туманидаги 551, Шайхонтоҳур туманидаги 76 ва 588, Чилонзор туманидан 477, Яқкасарой туманидаги 300-болалар боғчаларининг тарбиячилари «Таълим тўғрисидаги қонун», «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», «Учинчи минг йилликнинг боласи — таянч дастури» каби шартлар бўйича беллашиб ҳар соҳанинг билимдон эканликларини намойиш этишди. Ва юқоридаги боғчаларнинг тарбиячилари М.Аҳмедова, А.Муродова, Ш.Мухамедова, Ф.Бозорова, Х.Худойбергеновалар «Энг кўннок, зукко, лато-фатли, назокатли, лобар, билимдон тингловчи» деб топилдилар ва голибликни қўлга киритдилар.

Зухра ФАЙЗИЕВА,
Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш институтининг катта ўқитувчиси.

ТАКДИМОТ

Истиқлол ва миллий театр

Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театрида «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан нашр этилган «Истиқлол ва миллий театр» китобининг такдимоти бўлиб ўтди.

Такдимот маросимида бирлашма раҳбари М. Абдуқундузов, китобнинг илмий муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби М. Кодиров, Ўзбекистон халқ шоири Н. Нарзуллаев, санъат институти ректори О. Ризаев ва бошқалар сўзга чи-

қиб, китобнинг мазмун-моҳияти, гоъвий-бадий мундарижаси ҳақида сўзладилар. Н. Нарзуллаев муҳаррирлик қилган ушбу тўплам «Янги эр авлоди» нашриёт-матбаа марказида чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Бадий академиясининг Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти театр ва хореография бўлимида тайёрланган.

Ушбу китоб театр санъати ихлосмандларига ҳамда санъатсевар китобхонларга мўлжалланган.

(Ўз муҳбиримиз)

ФАЛАКИЁТ СИРЛАРИ

Сайёралар «анжумани»

Мўъжизакор самода дам-бадам ажойиб ҳодисалар рўй бериб туради. Уларни мароқ билан кузатиш эса кишига катта завқ бағишлайди. Қуёш, Ой, сайёра ва юлдузларнинг тўсилашлари, думили юлдуз ва юлдузли ёмғирлар шулар жумласидандир. Улардан яна бири, вақти-вақти билан рўй бериб турадиган сайёралар «намоийиш»дир. Бундай ажойиб самовий манзарани кузатиш бу йил кўрра-ра замин аҳлига насиб этди.

Гўзалликка мойил одамзод учун самовий нодир тухфасини истисно этмади. Коинот муҳлислари апрель ва май ойлари давомида уфқнинг фарб томонида, Қуёш ботиши билан бошланган сайёралар намоийиши завқ билан кузатиш имкониятига эга бўлдилар.

Қуёш ботиб, тун бошланиши билан осмоннинг фарбида, деярли бир сафда, Уторуд, Зухра, Миррих, Мутарий, Зухал сайёралари ўзгирини намоён этишар. Ерқин сайёраларнинг бундай нодир намоийиши сўнгги бор 1940 йилда рўй берган эди. Кейингиси эса фалакшуносларнинг

хисоб-китобларига кўра 2040 йилда рўй бериши кутилмоқда. Тарихий манбаларда қайд қилиншича, миллоддан аввалги 1954 йилда рўй берган бундай «намоийиш»дан кўнрақ Хитой хожалари ўз солномалари сарҳисобини шундай ходисалардан сўнг қайтадан бошлаганлар. Маълумки, Қуёш тизимида 9 та сайёра ўз йўлдошлари билан бирга унинг атрофида ҳаракат қилади. Бу сайёралардан юқорида номлари қайд қилинган бештасини нигоҳ билан бевосита кузатиш мумкин. Уран, Нептун ва Плутон сайёраларини эса телескоплар воситасидагина кузатиш имкони бор.

Кўпчиликнинг ёдида бўлса керак, 1982 йили Қуёш атрофида ҳаракатланаётган сайёраларнинг катта «намоийиш» содир бўлди. Яъни, Қуёш тизимининг энг катта сайёралари унга нисбатан бир тарафдан жой олганди. Тарихда бундай ходисалар 1805 ва 1845 йилларда ҳам кузатилган. Кейинги бундай катта намоийиш 2357 йилда рўй бериши кутилади. 1982 йилги намоийишда иштирок этган сайёралар 105 даражали сектор оралигида жойлашганди. Агар бу секторнинг чеккасида ўрин олган Зухра сайёрасининг ҳолати хисобга олинмаса, унда қолган сайёралар 65 даражали сектор оралигидан ўрин олганди. Сайёраларнинг бундай намоийиш давларида қўлаб шов-шувлар пайдо бўлган. Баъзи хавотирли фикрлар ҳам айтилган эди. Лекин сиқинчилаб ўтказилган тадқиқотлар бундай хавфсизларнинг асоссиз эканлигини тасдиқлади. Чунончи, 1910 йилдан 1945 йилгача, яъни 35 йил давомида юз берган 21873 та зилзила билан бу

даврдан уч бор рўй берган Қуёш фаоллиги орасида бевосита сезиларли боғлиқлик йўқ экан. Ва-холоки, сайёралар намоийиши, бу даврда рўй бериши кутилган Қуёш фаоллигини кучайтириш юборади деган далилсиз фаразлар айтилган эди. Умуман олганда, сайёралар яқка холда ҳам, биргаликда ҳам Қуёшдан ниҳоятда кичикдирлар. Қуёшнинг ҳажми бутун Қуёш тизими ҳажмининг 99,86 фоизини ташкил этади. Қуёш тизимидаги барча сайёра, астероид, комета ва қолган бошқа заррачаларга бу тизимнинг 0,14 фоиз ҳажмига тегишли. Бу мезёрлардан аён бўладики, сайёралар Қуёшга нисбатан қандайд жойлашмишасин, унга таъсир эта олмайдилар. Албатта, самовий жисмлар бўлган сайёраларнинг ҳаракатларини ўрганишда бундай ходисалар ҳам азалдан ўз мантқиқига эга бўлган. Демак, сайёраларнинг рўй берган «намоийиш», бейхитёр қизиқ билан кузатиладиган ҳодиса. Коинот эса бундай бетакрор гўзалликларнинг битмас-туганмас хазинасидир.

Сайид Бахром АЗИЗОВ,
фалакшунос.



Устоз, мураббийлар ўқувчилари эъзо-зида.

ШУМ БОЛАНИНГ ЎЗГИНАСИ

(Ярим чин, ярим ҳазил)

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

7. «Хизматларим учиб кетади-ку»

Даволовчи дўхтир хонага кириб, ҳар бир беморнинг юрак, томир уришларини эшитиб кўриб, керакли муолажаларни тайинлади. Муроддан ҳам соғлигингиз қалай, тузукмисиз, деб сўради.

— Шу оғим жонсиздай, сезмайди ҳеч нарса, дўхтир, — деди у чап оёғини кўрсатиб.

Фарход эшик олдидаги курсида бу сўхбатни эшитиб ўтирган эди. Дўхтир хонадан чиқиб биланқоқ унинг орқасидан фирилди, айтган гапларини хонадагилар ҳам эшитишди:

— Дўхтир, — деди у овозини атайлаб баланд кўтариб, — касалга чекиш мумкинми? У киши чекаптилар!

Даволовчи дўхтир яна кайтиб хонага кирди. Муроддан шу гап ростми, деб сўради. Фарход шифохорнинг орқасида ишлайди турарди.

— Сизга чекиш мутлақо мумкинмас, демовимид, — деди дўхтир бироз ранжиган бўлиб.

Муроднинг кўзлари олазарак бўлиб, ранги оқариб кетди: «Йўқ, чеканим йўқ, чекмаяман, рост, гапимга ишонинг», — дерди-ю ёлгон гапирарётганини дўхтир ҳам сезиб турарди.

— Хали юрагингизни эшитиб кўрганимизда озингиздан шундоқ тамакиннинг хиди бурқиб турганидаёқ билган эдим, — деди Фарходнинг сўзини маъқуллаб. — Бизнинг шунча қилган муолажа-ю хизматларимиз уч пул бўлади-ку, бунақада!.. — Дўхтир чиқиб кетди.

— Менинг ҳам шунча қилган хизматларим учиб кетади-ку! — деди Фарход ҳам тиржайганича.

— Сенинг бу гапларинг, Фарходжон, хотин иш қилар, эр лоф урага ўхшаб кетади, — деди Мурод туюқиб. — Э, сенга тарбия берганим...

— Менга тарбия берган сизнинг акаңгиз, менинг дадам бўлади, — деди Фарход эшик тутқичини ушлаганча яна ҳазиллашишга кўчар экан.

— Кўйиб берсанг шайтонгаям дарс беради бу чумчқ чакимчи!

— Қачон чекдим?

— Чекдингиз-ку, неча мартабала! Олдингизга бориб ўтирдим дегунча, чўнтагини қовлаштирасиз, чекишдан ол, дейсиз. Сизни деб, мен ҳам тамаки чекишни ташлаб, носовйга ўтиб олдим. Бошқа бировлардан сўраб олиб ҳам чекасиз-ку!

— Елгонинг юзасини айтибсан!.. Товуқ гўнг титмас, боши оғришини биласанми, билмасанг-билиб кўй! Сен ҳам ўша курк товукнинг ўзгинаси бўлибсан. Яна шунинг биллиб кўйинки, кўп қақиллаган товук ҳам туҳум қилади, ҳадеб томоғингни қириб, қақиллайверма! Эсингда турсин шу нарса: кемада туриб, кемага кўз олайтирмайдилар, билдингми.

Тили қалимага келмай қолган Фарход:

— Озингизни очинг! — деб қолди даб-дурустан.

— Нима қилмоқчисан тагин?

Фарходнинг навбатдаги китмирилиги бошланган эди.

— Дори берасанми? — сўради амакиси.

— Йўқ, носовй!..

— Йўқол-э, афтинг курсин! — жеркиб ташлади амакивачасини.

— Қизик нарса айтиб берайми, сизбоп, — деди Фарход қафтларини би-бирига ишқалаб. — Бунисиям қоровулники... Бир бор экан, бир йўқ экан, битта шаҳарда бир донишманд ўтган экан. Бир кун савдогарлар шаҳар бозорига сотиш учун тамаки олиб келишибди. Буни кўрган ҳалиги доно киши, ахир бу соғлиққа зарарли-ку, дегач, ҳеч ким тамаки сотиб олмай қўйибди. Савдогарлар касодга учрашибди. Донишманднинг бу гапларидан ранжиган савдо ахли унга илтимос билан келишибди: «Тамаки хусусидаги фикрингизни ўзгартирсангиз яхши бўларди». Шундан кейин ҳалиги зукко одам дебди:

— Халойиқ, тамаки чекканларни ит қолмайди, уйингизга ўғри тушмайди, ўзингиз қараймиш.

— Бу қанақаси бўлди? Олдин тамаки чекманг дегандингиз, — сўрашибди биродарлари.

— Доно дебди: — Тамаки чеккан ҳассага таяниб қолади, ҳассалик кишини ит қолмайди, чеккан одам доим йўталади, ўғри уй эгаси уйгоқ экан, деб уйлайди-да, ўйриликка тушмайди. Чеккан одам эса қаримай ёш бўла туриб ажалдан беш кун бурун бу дунё билан хайрлашади:

— Қойил-э, зўр ривоят экан, — деди Мурод худди буларнинг ҳаммаси «яширинча» чекишга ўтган ўзига тегишли эмасдай!

— Тамаки опкелиб берайми? — деди Фарход амакисининг жигига тегиб.

— Шу бугундан бошлаб «ўғринча» чекишга нукта қўйганим бўлсин, — деди Мурод худди қасам ичгандай қатий оҳангда.

8. Янги келган беморни роса кўрқитишди

Неврология бўлимининг 12-хонасига янги касал ётқизилди. Фарход шу хонали Илҳом исми бола билан танишиб олганига ҳам икки кун ўтмай бири енг, бири кўнж бўлиб кетди. Оралардан қил ўтмайди. Илҳом дудуклиниб гапирар, ҳассасини дўқиллатиб бироз оқсаброқ юради. Бошига катта олоқ оппоқ сочқини ўраб олган. Фарход унга: «Эҳтиёт бўл, тагин бўрон учириб кетмасин», — деб ҳазил қилгани-қилган. У иршайиб қўя қолади.

Эшик очилиб, Илҳомнинг оппоқ боши кўринди:

— Фа-рр-хо-д бу-ёқ-қа чи-ққ!..

Фарход хонасидан отилиб чиқиб кетди. Эшик орқасида иккиси нималарнидир шивир-шивир қилишди. Дахлизда Илҳомнинг ҳассаси дўқиллагани эшитилди. Кетишди. Улар Илҳом ётган хонага кириб боришди. Турдаги каравотда ётган янги беморга салом беришди.

— Ваалайкум ассалом!..

Икки ўртоқ бемор қаршисидаги бўш каравотга бориб ўтиришди. Илҳом қийқ кўзларини қисиб, Фарходга имо-ишора қилди, сен гапир, демоқчи бўлди.

Фарход юмшоқ супургидай бўлиб мулоим сўради:

— Кеңирасиз, қаерингиз оғрияпти?

— Кўл-оёқларим жиз-жиз оғрийд, — деди бемор чўқур хўрсиниб. — Нимадан экан, билмадим?!

— Вой-вой, — деди Фарход унга жони ачиган бўлиб.

Илҳом ҳам Фарходга қўшилиб «вой»-«вой»-лаб берди.

Бемор улардан дўхтир қандай муолажалар қилиш мумкинлигини сўраб, ўзига тептекин ваҳима сотиб олганини пайқамасан эди.

Аввал, Илҳом дудук бошлаб берди ҳаммасини.

— Жу-дд-а о-оғ-ирр-тира-ди у-ук-ол-лари, — деди-да башарасини тескари қилиб, Фарходга кўзини муғомбилорна қисиб кўйдди.

— Ох-ох, — деди Фарход оғайнисининг лоғларига қўшилиб. Сўнг оғриқнинг қандай азобли эканлигини кўзларини очиб-қомиб, афтини буриштириб ифодалай бошлади.

Фарход каттақон шприц ва игнанинг ҳажмини икки кўлини икки томонга ёзиб кўрсатди-да:

— Мана шундай, ҳа мана шундай келади катталиги. Шу денг, игнани товонингизга шундай уради-да, икки соат қовлаб, зўрга томирингизни топиб олишади, — деди, ту-шунтиргунча ўзиям қийналиб кетди бола пақир.

— Р-р-с-ст! — деди тутила-тутила Илҳом кулгидан ўзини зўрга босиб.

Фарход бўлса, ҳамон «вой-вой»-лаб, четга бурилганча иршайиб турарди.

Бемор шўрринг кўрғур ханг-манг бўлганча, кўл-оёқларини уқалаб, илжои бўлса, хозирроқ касалхонадан жуфтакни ростлаб қолишга тайёр турган эди.

Фарход билан Илҳом эса, баттар ваҳима ўчоғини қовлаб беморни танг аҳволга солиб кўйишганини хаёлларига ҳам келтиришмасди. У бўлса, «вой-вой»-лаб оёғини ушлаганча қарахт...ҳолда ўтирарди. Шу пайт хонада шундай бир кучли овоз янградики, Фарход билан Илҳом чўчиб турди. Худди тиш дўхтири эшиги олдига бораганда тиш оғриги тақа-тақ тўхтагандай бўлди.

— Вой, вой, — дерди ҳалиги бемор кўзларини катта-катта очиб, юзларидаги кўрқув ўрнини табассум эгаллаган эди.

— Нима гап, нима бўлди? — Фарход билан Илҳомнинг рангидега ранг қолмаган, капалаги учган, дағ-дағ қалтираганча. — Нима бўлди сизга? — деб, юраклари кинидан чиқиб кетаёзганда.

Бемор бўлса қулиб, мамнун ҳолда:

— Вой-вой, ишонасизларми, оёғининг оғриғи тақа-тақ тўхтади, ишонмасанглар, мана, ушлаб кўринглар.

12-хонадан кўтарилган қаттиқ қаҳқаҳа ҳатто дахлизга ҳам эшитиларди.

9. Бир халта ақл билан бош-оёқ сарполар

Хар галдагидек Фарход амакисини диванга ўтказиб келди-да, унинг ўрнини тартибга келтирди. Естик тагидан амакисининг куртасини топиб олиб, уни кийиб олди-да, хонада уёқдан-буёққа гоздек керилиб юрди. Беморлардан бири оғза: «Росаям ярашди, муборак бўлсин!» деб ҳам қўйдди. Оғзи қулоғида, у кишим ҳамон куртқасини намойиш қилиш билан оворла!

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас ҳамшира қиз келиб:

— Фарходни амакиси қақиряпти, тез бораркан, — деб кетди.

— Фарход йўқ, — деди Фарход амакиси каравотида узала тушиб ётганича.

— Фарход тур, бориб олиб кел амакингни, — дейишди хонадагилар. — Жиги-бийрони ошиб ўтиргандир хали.

— Бирпас ўтириб турсинлар, яқиндагина обориб кўйдим-ку, — деганча бепарво чўзилиб ётаверди.

Ўзига наъша қилдими, эриниб ўрнидан кўзгалди. Чиқиб кетди. Кўп ўтмай дахлизда ҳассанинг «дўқир-дўқир»и эшитилди. Мурод: «Аста-аста, Фарходжон!» деб келаётган эди, эшик очилиб, бошлашиб амаки-амакивачча хонага кириб келишди.

Муроднинг ранг-рўйидан толиққани кўриниб турарди. Энтикканча, ҳансираб аранг каравотга ўтириб олди. Ҳассасини каравот бошига қўйиб, чап оёғини охишта ўнг оёғи устига қўйиб кўтарди-да, бир амалла каравотга чўзилди. Фарход эса эшик олдидаги курсига ўтириб, куртқасининг занжир ёпқичини очиб-ёпиб уйнай бошлади. Амакиси нима деркан, ўзича режалар тузарди.

— Сиз менга куртқа ваъда қилгандингиз, — деди у ниятини билдириб, — эсингиздами? «Қалам маърифатимас, сарполар йўлини очиб беради» дея шайланди.

— Хай, олиб бераман дедим-ку, Фарходжон, тузалиб олай аввал!..

Миршарф МУҲСИМОВ (Давоми бор).



ТАНЛОВЛАР

Замонавий миллий либослар намойиши

Мамлакатимизда мода тараққиёти ҳақида гап кетганда, айтиш керакки, эндиликда унга муносабатлар тамомила ўзгарди. Турли йўналишдаги шоу-бизнесларнинг тараққиёти этиши, дизайннинг юксак талабларига ва замонавий истеъмолчининг эстетик дидига жавоб берадиган, қулай, ўзига хос кийимларни бичиш оммавий либослар яратувчилар олдидаги муҳим вазифалардан биринчи. Ушбу вазифани муваффақиятли ҳал этишда биринчи галда юксак малакали мутахассис бўлган рассом-модельерлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Яқинда Ўзбекистон Бадий Академияси қошидаги Асадулла Ҳўжаев номи республика тасвирий ва амалий санъат коллежининг кўргазмалар залида бўлажак рассом модельерларнинг кўрик-танлови бўлиб ўтди. «Замонавий мил-

майдиган намуналар яратишда қизларнинг бадий маданиятимиз аъёнларига мурожаат қилишлари, кўп излашлари ва шу билан бирга нозик дидга эга бўлишлари кўл келди. Улар ҳар хил ашё ва матолардан фойдаланиб турли усулда тайёрланган миллий либосларни ҳакамлар ҳайъатига тақдим этишди.

— Талабалар учун муҳим ва қизиқарли бўлган бундай танловлар улар эгаллаган билимлар синовидир, — дейди коллеж директори Шоносир Муродов. — Уларнинг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, янгиликка интилуванчилик хислатларига ҳавас қилган ҳолда

қизлар яратган моделларини кўриб қойил қолмай илоҳимиз йўқ.

Танловда Ш.Аҳмедова, К.Мансурова, А.Хусанова, Н.Маҳмудова, Ш.Шарипова, С.Мухаммаджонова ва бошқаларнинг тақдим этган моделлари танловнинг ҳақиқий кашфиёти бўлди. Шу кунга тадбирда коллеж ўқитувчиси Гулнора Гаффарова томонидан тикилган тўй ва тантаналар кунини кийиладиган либослар ҳам намойиш этилди.

Дония ЗОКИРОВА СУРАТЛАРДА: «Замонавий миллий либослар» кўрик-танловидан лавҳалар.

САЛОМАТЛИК

Ўткир ичак касалликларидан сақланинг

Ўлкамизда кунлар исини билан турли ўткир ичак касалликларининг ривожланиши эҳтимоли кучаяди. Ўткир ичак касаллиги (диарея) болалар орасида тез-тез учраб туради ва у жажжилар орасидаги ўлимнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Бундай касаллик айниқса гўдақлар учун хавфлидир. Ичак хасталикларидан организмнинг сувсизланиши ва тузларнинг йўқолиши касалликларнинг оғир даражада ўтишига сабаб бўлади. Шу борада касал бўлган бола кайтирилиши, ичи суякланиши ва шунга ўхшаш асоратлар бўлади. Агар бола тузли эритмалар истеъмол қилса, сувсизланиши ва организмда тузлар йўқолишининг олдини олинад.

Регидрон, глюкосолан, цитрасолан бундай доривор тузли эритмалар сирасига киради. Бу тузалар ҳар доим уйда сақланиши лозим. Агар боланинг ичи суялса, айтиб ўтилган тузларнинг биронтаси ҳам бўлмаса, бу ҳолда уй шароитида нима қилиш керак?

Хар бир она фарзандини сувсизланиб қолишидан асраш учун суяқликлар тайёрлашни билиши зарурдир. Бунинг учун бир литр кайнатилган сувга бир чой қошиғида ош тузи ва тўрт чой қоши-

ғида шаккар солиб яхшилаб аралаштирилади. Бемор болага шу эритмани бир чой қошиқдан ҳар 3-5 дақиқада ичирилади. Бундан ташқари гуручни қайнатиб сувини ҳар 3-5 дақиқада ичириш тавсия этилади. Суяқликлар ичининг суяқланиши тўхтагунча ва овқатланишдан олдин ичирилади. Ичи суяқлашганда эмизикли болага она сuti энг катта шифо ҳисобланади. Шунинг учун болани тез-тез эмизиб туриш керак.

Эмизилмайдиган бола ёки ўсим ёшидаги болалар холсизланмаслиги учун ўрганган овқатини беринг. Холсизланган бемор касалликка қарши суст курашади.

Ўткир ичак касаллиги билан оғримаслик учун овқатланишдан олдин албатта кўл совунлаб ювилади. Тирноқларингизни доимо калта қилиб юришга ўрганинг, фақат қайнатилган сув истеъмол қилинг, озик-овқат махсулотларини пашшадан сақланг.

Комил МУҲАМЕДОВ, Миробод туман Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг бош шифокори.

БИЛАСИЗМИ?

От йилининг таърифи

Маълумки, мучал йиллари хайвон номлари билан аталади. 2001 йил илон йили бўлган бўлса, 2002 йили эса От йили...

От йилида туғилганлар хушбаъит ва тежамкордирлар. Улар яхши кийинишни хуш қурадилар. Оммавий йиғинларни ёқтиришади. Баъзан ўта серғаб бўлсалар-да, ақлли ва сезгирдирлар. Узгаларнинг фикрини ўқиб олишда от мучаллилар олдида тушадигани йўқ. Улар фақат ақл мусохабасида эмас, балки меҳнатда, юмушда ўта эпчиллик кўрсатишади. Лекин баъзан шубҳа қилишга мойил бўлганларни боис кўпинча бошлаган ишларидега катъинизликка йўл қўядилар. Ишлари юришмаган чоғда ҳам ўзларини дадил тутат билдилар.

Ушбу мучал эгалари табиатан мустикал феъл-атворга эга бўлиб, бошқаларнинг маслаҳатига камдан кам қулоқ соладилар. Гоҳида ўта худбиндилар. Атрофларида қандай

воқеа-ҳодисалар юз бермасин, фақат ўзларига тегишли муаммоларга қизиқишади.

Айрим ҳолларда от мучалли кизалоқ ёки болақай бирор тасодиф туфайли ўз хонадонидан узоқда яшайи мумкин. Аммо оила қурғач, уйда ҳамманинг диққат марказида бўладилар, унинг оилада йўқлиги дарров сезилади. Улар ўзларига қаттиқ ишонишади ва ўз қадрларини яхши билишади.

Барча соҳада бор куч ва эҳтиросларини ишга солиш ҳам от мучаллилар учун ҳосдир. Улардан қай бири ўзларининг заиф томонларини енгиб, эҳтиросдан ақлини устун қўя билсалар, бахтга эришиши ва муваффақият қозониши мумкин. Умрларининг биринчи ва иккинчи даврлари нисбатан тинч ўтади. Кейсайган чоғларида эса тинч ва оёсийишта яшайдилар.

Азамат ШОКИРОВ тайёрлади.

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИГА ўргатилган итлар билан ишлаш учун «Золушка — 2002» театрлашган-цирк спектакли билан гастролга чиқиш имкониятига эга бўлган, 18 ва ундан катта ёшдаги билан артистлар зудлик билан ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-84, 144-35-09.

«05-0»: қутқарув хизмати хабарлари

Кўприқдан ташлади

Юнусобод туманидан ўтандиган темир йўл устидаги кўприқдан шу атрофдаги хонадонлардан бирида яшовчи 45 ёшлардаги А.Г. исми фуқаро ўзини ерга ташлаган. 9 метрлик баландликдан уни сакрашга нима мажбур қилдики? Воқеа тафсилоти ўрганилмоқда. Ўзига хос бу янги спорт тури билан шуғулланган «спортчи» айтин дамларда шаҳардаги шифохоналарнинг бирида даволанмоқда.

Машиналар тўқнашди

Ҳамза туманининг Текстильная қўчасидаги ҳалқа йўлда катта тезликда келаётган «Газель» русумли давлат рақам белгиси 15Д 12-51 ва «Энз» русумли давлат рақами 23-98 ТПС машиналари тўқнашиб кетди. Арслон Топилов бошқарётган енгил машинада 4 та йўловчи бўлган. Улардан бири Алишер Чорабоев воқеа жойида ҳаётдан қўз юмди. Қолганлар касалхонага ётқизилди.

Ҳодиса сабаби ўрганилмоқда

Чилонзор туманининг 16-мавзесида жойлашган 195-мактабнинг информатика синфида дарс жараёнида ҳолат нафасини бўғувчи хил тарқалаётгани сезилди. Ўқитувчилар Т.Бедарёва, С.Раҳимовлар зудлик билан қутқарув хизматига қўнғирок қилдилар. Мактабга «04» хизмати ходимлари ҳам етиб келишди. Ҳодиса сабаби ўрганилмоқда.

Телефон сими билан

Қутқарув хизматида Мирзо Улугбек тумани Буюк Ипак йўли кўчаси, 214-а, 17-хонадонда ёнғин содир бўлганлиги ҳақида хабар қилинди. Қутқарувчилар етиб боришдада бу ерда ёнғин билан биригилдики жиноят ҳам содир этилганлиги маълум бўлди. 1978 йида туғилган Наргиза Исмаилова телефон сими билан бўғиб ўлдирилиб, сўнгра жиноятчилар уйга ўт қўйиб кетишганди.

Туман прокуратураси ва ИИБ ходимлари жиноятчиларни аниқлашга киришдилар.

Лифтдан қутқарилди

Юнусобод туманидаги А.Темур кўча, 1-уй, 8-хонадонда яшовчи Ҳақимов қутқарув хизматида қўнғирок қилиб, турмуш ўрғони Абдурахим Ҳақимов кичкина қизчаси билан лифтда қамалиб қолганлигини маълум қилди. Қутқарувчилар тезда воқеа жойига етиб боришиб, лифт эшигини махсус асбоблар ёрдамида очдилар.

Эшик очилди

Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 12/1-уй, 62-хонадонда яшовчи Бекмуродованинг хабар қилишига эшик ёпилиб қолиб, уй ичида иккита ёш боласи қолган. Полковник Х.Раҳимбердиев раҳбарлигидаги қутқарувчилар гуруҳи воқеа юз берган жойга саноқли дақиқаларда етиб келиб, темир эшикни очилди. Уй бекаси қутқарувчиларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

Ўткир САИДОВ, Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг матбуот котиби.

Баскаковлар оиласига Александр Ефимовна БАСКАКОВНИНГ вафоти муносабати билан Жўра Тожибоевич Мирсаидовлар оиласи чуккур тазия изхор қилади.

Собир Раҳимов тумани «Ешлик» талабалар шаҳарчаси ҳўқимлиги ва жамоат ташкилотлари «Турон» республика театр студияси бадий раҳбари ва директори Равшан Ериевага ўғли ЖАСУРНИНГ бевақт вафоти муносабати билан чуккур ҳамдардлик билдиради.

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

«АСАКА» банкининг автотранспорт бўлими аҳолига миллий валютада очиладиган куйидаги қисқа мuddатли депозитларни тақдим этади.

№	Омонат тури	Сақ
---	-------------	-----